

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 76-ҳадис

76 - وَعَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «الْمَلَائِكَةُ تُصَلِّي عَلَى أَحَدِكُمْ مَا دَامَ فِي مُصَلَّاهُ الَّذِي صَلَّى فِيهِ مَا لَمْ يُحْدِثْ، تَقُولُ: اللَّهُمَّ اغْفِرْ لَهُ، اللَّهُمَّ ارْحَمْ». رَوَاهُ البُخَارِيُّ.

У кишидан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Киши намозхонада таҳоратини синдирилмай ўтирап экан, фаришталар унинг ҳаққига: «Аллоҳим, мағфират эт, Аллоҳим унга раҳм қил», деб дуода бўлишади», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Муъмин банда Аллоҳнинг уйи бўлмиш масжидни обод қилиш мақсадида ўша жойда намозни кутиб ўтиришга ошиқади. Ушбу амалнинг фазилати шулки, мусулмон киши масжидда, таҳоратли ҳолида намоз вақти киришини кутиб ўтиаркан, фаришталар унинг ҳаққига истиғфор айтишади. Бу амални Аллоҳнинг уйларини обод қилишни севадиган фозил инсонларгина амалга оширади.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Масжидда таҳоратли ҳолда ўтириши фаришталарни унга истиғфор сўрашига сабаб бўлади.
2. Фаришталарнинг дуоси ижобатдир. Шунинг учун мусулмон кимса уларнинг дуосининг ижобати или ютуққа эришишга ошиқади.
3. Масжидда намоз вақти киришини кутиб ўтириш фазилатли амал бўлиб, кўпчилик ундан ғафлатдадирлар.
4. Намоз вақти киришини кутиб ўтириш учун масжидга барвақт боришга шошилинг.



NUBUVVAT MARVARIDLARI